

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

НАМНИЙ АМАЛИЁТ

BIZNES- ЭКСПЕРТ

№ 3–4
2024

Ушбу сонда:

**БАНКРОТЛИК ЖАРАЁНИДА КОРХОНАЛАРНИ
РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

31

**ОЦЕНКА МЕХАНИЗМА ГОСУДАРСТВЕННОГО
РЕГУЛИРОВАНИЯ И АНАЛИЗ ДИНАМИКИ
РАЗВИТИЯ СТРАХОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА**

64

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августда тузилган лицензия шартномасига асосан, “Biznes-эксперт” журнали жаҳоннинг энг йирик академик нашлаар электрон тизими ҳисобланган EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

Мундарижа

Олий та'лим

Баходиржон SHERMUNHAMMADOV.
Олий та'лим муассасалари фаoliyatining rivojlanish
xususiyatlari va ta'lim xizmatlari turlarining
diversifikatsiyalashuvi

3

Туризм

Юлдуз УРУНБАЕВА.
Янги Ўзбекистонда музей туризмни
ривожлантиришнинг назарий асослари

8

Инвестиция

Мусурмон ХОЛМУРАДОВ,
Махмуд БАЛТАБАЕВ.
Тижорат банклари активлари
самардорлигини ошириш йўллари

13

Таҳли

Фазлиддин МУМИНОВ.
Қашқадарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий
соҳаларни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш
даражасини оширишда қилинган ишларнинг
комплекс статистик таҳлили ва прогнози

16

Нужтаи назар

Юлдуз УРУНБАЕВА.
Музей туризми ва аҳоли турмуш даражаси

20

Тиббий сугурта

Муътабаржон УМУРЗАКОВА.
“Соғлиқни сақлаш тизими рейтинги”
кўрсаткичлар тизимида тиббий сугуртанинг ўрни

25

Тенденция

Мамарасул ХУДОЙКУАСЬ.
Ипакчилик тармоғининг ривожланиш тенденциялари

28

Молиявий соғломлаштириш

Баҳодир СУЛАЙМОНОВ.
Банкротлик жараёнида корхоналарни
реструктуризациялаш масалалари

31

Хусусийлаштириш

Акмал ВАЛИЖОНОВ.
“Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида”ги
Қонунда назарда тутилган хусусийлаштириш
усулларининг мазмуни ва моҳияти

34

Klaster

Олимжон ABDULLAYEV.
Klasterlash doirasida qo'shma biznes
tashkil etishning zaruriy shartlari

37

Innovatsiya

Акбаржон SOBIRXONOV.
Innovatsion texnoparklardan samarali foydalanishning
nazariy asoslari va tushunchalari

41

Стратегик бошқарув

Шерали ЙЎЛДАШЕВ.
Соғлиқни сақлаш соҳасида стратегик
бошқарувни такомиллаштириш

44

Инфратузилма

Дианога ЙЎЛДАШЕВА.
Инфратузилма ва кадрларни туризм
соҳасини ривожланишига таъсири

47

Содержание

Банковские системы

Анастас АМБАРЦУМЯН,
Акбарали ГАЙРАТОВ.
Роль регуляторных мер в обеспечении
ликвидности банковского сектора

49

Промышленность

Файёза БАЗАРОВА.
Текстильная промышленность Узбекистана:
современное состояние и перспективы развития

54

Статистика

Татьяна КИМ,
Жасуржон МИРЗАЛИЕВ.
Оценка механизма государственного регулирования
и анализ динамики развития страхового рынка
Узбекистана

57

Анализ

Оттабек ДЖУРАБАЕВ.
Анализ локализации и специализации регионов
Узбекистана по производству продукции
хлопково-текстильными кластерами

61

Технология

Мухаммадхожа САИТКАМОЛОВ,
Рустам КАРАБАЕВ.
Оптимизация затрат в бизнес-процессах
посредством облачных технологий

64

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз, доктор экономических наук, профессор

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз, доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

Фармонкул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Муҳиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Диладруз НАСЫРХОДЖАЕВА

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Абдурашид ҚОДИРОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Адхам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Муҳиддин ПЎЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

УЎТ: 330.1

“Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган хусусийлаштириш усулларининг мазмуни ва моҳияти

Содержание и сущность способов приватизации, предусмотренных Законом «О приватизации государственного имущества»

Content and essence of privatization methods provided for by the Law “On Privatization of State Property”

Валижонов Акмал Рахимович,
и.ф.н.,
Давлат активларини
бошқариш агентлиги
Тадқиқотлар маркази бўлим мудир.

Аннотация. Мақолада янги қабул қилинган “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган хусусийлаштириш усуллари таҳлил этилган ва шарҳланган. Ишда хусусийлаштиришнинг янги усулларининг мазмуни ва моҳияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: хусусийлаштириш, қонун, усуллар, модда, давлат мулки, аукцион, танлов, устав фонди.

Аннотация. В статье анализируются и комментируются способы приватизации, предусмотренные в новом Законе Республики Узбекистан «О приватизации государственного имущества». В работе раскрываются содержание и сущность новых способов приватизации.

Ключевые слова: приватизация, закон, способы, статьи, государственное имущество, аукцион, конкурс, уставный фонд.

Annotation. The article analyzes and comments on the methods of privatization provided for in the new Law of the Republic of Uzbekistan “On the privatization of state property.” The work reveals the content and essence of new methods of privatization.

Key words: privatization, law, methods, articles, state property, auction, competition, authorized capital.

Хусусийлаштириш жараёни мувоффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан унинг самарали усулини танлашга боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги янги Қонуни 2024 йил 14 февралда қабул қилинди (кейинги ўринларда – Қонун). Қонуннинг 4-боби давлат мулкани хусусийлаштириш усулларига бағишланган бўлиб ўзида 6 та моддани (19–25 моддалар) мужассам этади [1].

Қонуннинг 19-моддасида хусусийлаштиришнинг аукцион, танлов, биржа савдолари, музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш, рақобатга асосланган мулоқот, давлат улуши ва кўчмас мулкни хўжалик жамиятнинг устав фондига киритиш ҳамда корхоналарни кейинчалик сотиш шarti билан ижарага бериш каби 8 та усуллар назарда тутилган.

Аввалги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунда хусусийлаштиришнинг иккита усули назарда тутилган, жумладан давлат мол-мулкани танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллуқли бўлмаган

юридик шахсларга ва жисмоний шахсларга сотиш шаклида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган эди.

Маълумот учун жаҳон амалиётида хусусийлаштиришнинг 10 тагача усули қўлланилади, жумладан Германияда (6 та), Чехияда (7 та) ва Польшада (10 та)[2].

Шуниси эътиборлики, Қонунда хусусийлаштиришнинг барча усуллари алоҳида моддаларда тартибга солиб ўтилган.

Қонуннинг 20-моддасида давлат мулки объектларини аукцион ўтказиш орқали сотиш тартиби белгиланган. Аукцион орқали давлатга тегишли акциялардан ташқари давлат мулкига нисбатан муайян шартларни бажариш талаб қилинмайдиган давлат мулки объектлари сотилиши назарда тутилмоқда.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ савдолар бошланадиган санага ёки

кўрсатилган давлат мулкига оид аризаларни қабул қилиш санаси тугашига қадар камида ўттиз кун олдин ваколатли давлат органининг, савдолар ташкилотчисининг, инвестиция воситачисининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Ушбу моддада талабгор томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида давлат мулкининг бошланғич нархидан келиб чиқиб закат пулининг миқдори белгиланмоқда. Закалат пули миқдорининг Қонун билан белгиланиши уни барқарор бўлишини ва давлат органлари томонидан унинг миқдорини тез-тез ўзгартириб туриш, шу жумладан ошириб юборишни олдини олади.

Таҳлил этилаётган моддада давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича аукцион бошланғич нархни ошириб бориш шаклида электрон онлайн-аукцион тарзида ўтказилади. Демак, Қонунга мувофиқ давлат мулкини сотиш бўйича аукционлар фақат электрон онлайн-аукцион шаклида ва аукцион бошланғич нархини ошириб бориш тарзида ўтказилади.

Қонуннинг 21-моддасида давлат мулкини танлов савдоларида хусусийлаштириш усули белгиланган. Ушбу моддада давлат мулки танлов савдоларида хусусийлаштириш харидор зиммасига муайян шартлар юклатилган тақдирда амалга оширилиши белгиланмоқда. Демак, танловнинг аукцион савдоларидан асосий фарқли жиҳати бу аукционда давлат мулкига нисбатан муайян шартларни бажариш талаб қилинмайди, танловда эса бундай шартлар мавжуд бўлади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича танлов савдолари электрон онлайн савдолар тарзида ўтказилиши белгиланган.

Демак, танлов фақат электрон шаклда ўтказилади. Шунинг учун шарҳланаётган моддада танлов савдоларини ўтказишга тайёргарлик кўриш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан тузилган шартномага мувофиқ оператор томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Танлов шартлари ваколатли давлат органи, яъни Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланади.

Таҳлил этилаётган моддада танлов ғолибини аниқлаш мезонлари ва таклифларни балл тизими бўйича баҳолаш тартиби белгиланган.

Қонуннинг 22-моддаси музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан давлат мулкини хусусийлаштириш тартибини белгилайди. Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг бу усули янги киритилган бўлиб Ўзбекистон Республикасининг аввалги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунида мавжуд бўлмаган ва бу хусусийлаштириш жараёнини очиқ ва шаффоф бўлишини таъминлашга қаратилган.

Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ушбу усули ваколатли давлат органи томонидан ёки ваколатли давлат органининг рухсатига асосан профессионал маслаҳатчи томонидан бир неча босқичда амалга оширилиши белгиланган.

Дастаблки босқичда:

– эълонга мувофиқ келиб тушган, давлат мулкини сотиб олишга оид қизиқиш ифодаланган давлат мулкини сотиб олишга доир аризалар талабгорлардан қабул қилинади;

– ваколатли давлат органи ёки у жалб этган профессионал маслаҳатчи томонидан талабгорларга давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни тўғрисида ахборот тақдим этилади ва давлат мулкини сотиб олишга доир ариза берган талабгорлар билан ахборотни ошкор этмаслик тўғрисида битим имзоланади;

– ахборотни ошкор этмаслик тўғрисидаги битимни имзолаган талабгорларга давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига олган дастлабки маълумотлар билан танишиш имконияти берилади;

– талабгор томонидан тақдим этилган, давлат мулкини сотиб олиш бўйича мажбурий бўлмаган нархга доир таклифлар, шунингдек талабгорнинг эълон қилинган мезонларга мувофиқлиги ваколатли давлат органи ва (ёки) профессионал маслаҳатчи томонидан ўрганилади ҳамда ўрганиш яқунлари бўйича талабгорларнинг кейинги босқичга ўтиши-ўтмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Кейинги босқичда:

– давлат мулкини хусусийлаштиришнинг мазкур жараёнига кўра давлат мулкини сотиб олиш учун мажбурий бўлган нархга доир таклифларни тақдим этиш муддатлари, тартиби ва тегишли шартлари тўғрисида ахборот танлов иштирокчиларга ваколатли давлат органи ёки профессионал маслаҳатчи томонидан электрон ёки қоғоз шаклида юборилади;

– иштирокчиларга хусусийлаштириладиган давлат мулки бўйича солиққа оид, молиявий, ҳуқуқий ва экологик таҳлиллар билан танишиш имконияти берилади. Бунда, Қонун иштирокчиларга хусусийлаштириладиган давлат мулки билан қўшимча равишда

танишиш имконияти беради;

– иштирокчилар давлат мулкани сотиб олиш бўйича мажбурий бўлган нархга доир таклифларини тақдим этади, шунингдек олди-сотди шартномасининг лойиҳаси юзасидан фикрини билдиради;

– иштирокчиларнинг таклифлари ва эътирозларини кўриб чиқиш якунлари юзасидан ваколатли давлат органи кейинги музокараларга таклиф қилинадиган иштирокчилар рўйхатини тасдиқлайди.

Сўнги босқичда:

– мазкур босқичга ўтган иштирокчилар билан давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича музокаралар ўтказилади;

– савдо ғолиби таклиф этилган давлат мулкани сотиб олиш нархи бўйича олди-сотди шартномасининг энг мақбул шартлари асосида аниқланади.

Давлат мулкани рақобатга асосланган мулоқот йўли билан хусусийлаштириш усули Қонуннинг 23-моддасида белгиланган бўлиб, бу хусусийлаштиришнинг янги усули ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 279-сонли қарорида давлат мулки объектларини тўғридан-тўғри музокаралар орқали сотиш тартиби назарда тутилган [3]. Қонунда назарда тутилган хусусийлаштириш усули тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш усулидан тубдан фарқ қилади ва бу янги усул рақобатга асосланган.

Ушбу моддада давлат мулкани рақобатга асосланган мулоқот йўли билан хусусийлаштириш тартиби, иштирокчиларни таклифларини қабул қилиш ва ўрганиш ҳамда ғолиб иштирокчини аниқлаш масалалари белгиланган.

Қонуннинг 24-моддаси давлат акцияларини биржа савдолари орқали хусусийлаштириш усулига бағишланган. Хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичларида давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига ўзгартириш орқали хусусийлаштириш усули кенг тарқалган эди. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида давлатга тегишли акцияларни хусусийлаштириш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси маълумотларига асосан 2024 йил 1 январь ҳолатига 239 та акциядорлик жамиятларида давлат улуши сақланиб қолмоқда. Шунинг учун давлат тегишли акцияларини сотиш келгуси йилларда ҳам хусусийлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Қонунга асосан давлат акцияларини биржа савдолари орқали хусусийлаштириш “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ҳамда “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат акцияларини хусусийлаштиришда ваколатли давлат органи томонидан

давлат акцияларини хусусийлаштиришнинг бошқа усулидан фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат акцияларини биржа савдолари орқали сотиш “Тошкент” Республика фонд биржасида амалга оширилади. Шунинг учун ушбу жараёнда “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ҳамда “Тошкент” Республика фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш қоидаларига риоя қилиш керак.

Қонуннинг 25-моддаси билан белгиланган хусусийлаштиришнинг яна бир усули бу давлат улушларини ва кўчмас мулк объектларини хўжалик жамиятларининг устав фондларига (устав капиталларига) киритишдан иборат.

Давлат улушлари ва кўчмас мулк объектлари хўжалик жамиятларининг устав фондларига (устав капиталларига) киритилганда ушбу улушлар ва кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи хўжалик жамиятига ўтади. Бунда давлат устав фондига (устав капиталига) киритилган мулк эвазига хўжалик жамиятларининг улушдори ёки акциядорига айланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, хусусийлаштириш усулларини амалиётда самарали қўллашни ташкил этиш хусусийлаштириш жараёнларини ривожлантиришга ва иқтисодиётда хусусий мулк улушининг оширилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. (<https://lex.uz/docs/6800515>).
2. Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий сайти. (<https://davaktiv.uz/ru/news/law-on-privatization-of-state-property-approved>).
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 279-сон қарори. (<https://lex.uz/docs/2472699>).